ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШЧАНОВ БАХОДИР ХУДАЙБЕРГАНОВИЧ

КОНДЕНСИРЛАНГАН МУҲИТЛАРДАГИ МОЛЕКУЛАЛАРАРО ТАЪСИРЛАШУВ СПЕКТРОСКОПИЯСИ ВА РЕЛАКСАЦИОН ЖАРАЁНЛАР КИНЕТИКАСИ

01.04.05 – Оптика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

УДК: 535.012; 535.58; 537.9; 539.22; 539.63

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Эшчанов Баходир Худайберганович
Конденсирланган муҳитлардаги молекулалараро таъсирлашув спектроскопияси ва релаксацион жараёнлар кинетикаси..... 3

Эшчанов Баходир Худайберганович
Спектроскопия межмолекулярных взаимодействий в конденсированных средах и кинетика релаксационных процессов..... 27

Eshchanov Bakhodir Khudayberganovich
Spectroscopy of intermolecular interactions in condensed matters and kinetics of relaxation processes 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 55

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШЧАНОВ БАХОДИР ХУДАЙБЕРГАНОВИЧ

КОНДЕНСИРЛАНГАН МУҲИТЛАРДАГИ МОЛЕКУЛАЛАРАРО ТАЪСИРЛАШУВ СПЕКТРОСКОПИЯСИ ВА РЕЛАКСАЦИОН ЖАРЁНЛАР КИНЕТИКАСИ

01.04.05 – Оптика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/FM29 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://iplt.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Отажонов Шавкат**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ташкенбаев Улуғбек Неъматович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Дорошенко Ирина Юрьевна
физика-математика фанлари доктори (Украина)

Нематов Шерзод Каландарович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «26» 10 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54.

Диссертация автореферати 2018 йил «10» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «10» 10 даги 5 рақамли реестр баённомаси).

Х.Б.Ашуров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Д.Т.Усманов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Б.Е.Умирзаков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар конденсирланган муҳитлардаги молекулалараро таъсирлашув кучини ва уларнинг табиатини тадқиқ қилиш долзарб эканлигини кўрсатмоқда. Табиати турлича бўлган кўпатомли мураккаб молекулалардан ташкил топган муҳитлардаги ўзаро таъсирлашув динамикасининг умумий қонуниятларини конденсирланган муҳитлар замонавий спектроскопияси ёрдамида ўрганиш асосий тадқиқот йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаш лозим. Молекулалараро таъсирлашув конденсирланган муҳитлардаги турли фотофизикавий жараёнларни боришига жиддий таъсир кўрсатади, жумладан, уйғониш энергиясини молекулалараро ўтиш жараёнида, конденсирланган муҳитларнинг физик-кимёвий хоссалари шаклланишида иштирок этади.

Жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотларнинг кўрсатишича, суюқликлардаги релаксацион жараёнларни ўрганишда оптик спектроскопия муҳим ўрин эгаллайди. Ёруғликнинг молекуляр сочилиш спектроскопияси, айниқса, унинг ноқутбланган (анизотроп) компоненталари ҳамда ёруғликнинг комбинацион сочилиши спектроскопияси бошқа оптик усулларга нисбатан юқори афзалликларга эга. Модданинг суюқ ҳолати бўйича мукаммал назариянинг яратилиши суюқлик структураси тўғрисида ва унга молекулаларнинг иссиқлик ҳаракати таъсири тўғрисида ишонарли маълумотлар олиш имконини яратади. Суюқликлардаги молекулаларнинг иссиқлик ҳаракати уларнинг асосий физикавий хоссаларини ва макроскопик характеристикасини белгилаб беради. Унинг тавсифи яратилган бир қатор назарий моделларга асосланади, бироқ бу моделлар мукаммалликдан йироқ бўлиб, улар кўпатомли бирикмаларга қўлланилганда кўпгина характеристикаларни ҳисоблаш имконини бермайди. Мавжуд тажриба натижалари ҳам зиддиятли ва тўлиқ эмас.

Республикамизнинг илм-фан ривожида амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларга жуда катта эътибор қаратилмоқда, хусусан, ёруғликнинг молекуляр ва комбинацион сочилиши бўйича бой тажриба натижалари тўпланган, уларнинг шаклланиш жараёнларининг асосий қонуниятлари топилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси[1]да «принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» бўйича ишлар олиб борилиши кўрсатиб ўтилган. Бу борада кучли флуктуацияланувчи муҳитларда мукаммал молекуляр назарияни яратиш ва мақсадли хоссаларга эга янги материалларни олиш ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади.

[1] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова, п. 3.2.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4997-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонини, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2].

Конденсирланган муҳитларнинг молекулалараро таъсирлашув спектроскопияси ва физикаси соҳасида дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of California (АҚШ), University of Nevada (АҚШ), Ohio State University (АҚШ), Columbia University (АҚШ), Colorado State University (АҚШ), Johannes Gutenberg University (Германия), University of Munchen (Германия), University of Bayreuth (Германия), University of Kent (Англия), University of Uppsala (Швеция), University of Tokyo (Япония), Gakushuin University (Япония), Tokay University (Япония), П.Н. Лебедев номидаги физика институтида (Россия), Санкт – Петербург Физика институти (Россия), Уфа давлат университети (Россия), Киев университети (Украина), Белоруссия давлат университети (Белорусия), Кемерово давлат педагогика институтида (Россия), Ион-плазма ва лазер технологиялари институти (Ўзбекистон), Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Конденсирланган муҳитлар, шу жумладан, суюқликлар ва эритмаларни тадқиқ қилишда дунё миқёсида бир қатор долзарб муаммолар ҳал қилинган ва қуйидаги муҳим илмий натижалар олинган: эритмадаги концентрациянинг флуктуацияси билан суюқлик зичлиги ўртасидаги вақтга боғлиқлик назарияси ишлаб чиқилган; суюқликларда ёруғликнинг сочилишини молекулаларнинг айланма-броун ҳаракати каби талқин қилган (Физика-техника институти, Россия); молекулаларнинг макроскопик назарияси асосида ҳисоблаб топилиши мумкин бўлган бир нечта мословчи параметрли содда гидродинамик модель яратилган; гидродинамик модель орқали ёруғлик молекуляр сочилишини молекулаларнинг қайта ориентацияси сабабли ҳосил бўлиши аниқланган (Калифорния университети, АҚШ); чизиқли молекулалар

[2]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.sciencedirect.com, www.springerlink.com, www.journals.aip.org, www.osapublishing.org, www.iop.org, www.elsevier.com, www.scopus.com, www.nature.com, www.opticsinfobase.org, www.oxfordjournals.org, www.sciencemag.org, www.northcorolina.edu, www.umb.edu, www.osu.edu, www.stonybrook.edu, www.bw.edu, www.uni-wuppertal.de, www.msu.ru, www.ufn.ru, www.upmc.fr, www.opticjourn.ifmo.ru ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

учун ёруғлик сочилишининг микроскопик назарияси ишлаб чиқилган (Иоганн Гутенберг университети, Германия); суюқликлардаги яқин тартибли кучли молекулалараро таъсирлашувлар ориентация корреляциясининг радиусини ва энг яқин қўшни молекулалар ўртасидаги ҳолатнинг ўзгаришига олиб келиши аниқланган (Невада университети, АҚШ).

Ҳозирги вақтда жаҳонда конденсирланган муҳитлардаги молекулалараро таъсирлашув кучини ва уларнинг табиатини ёруғликнинг сочилиши орқали таҳлили борасида қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: моддаларнинг струкурасини ва фазовий ўтишларнинг ёруғлик молекуляр сочилиш спектрлари орқали аниқлаш; рэлей чизиғи қанотлари интенсивлигининг частота бўйича тақсимланиши температурага боғлиқлигини реал вақтларда юқори сезгирликда аниқловчи усулларни ишлаб чиқиш; суюқликнинг критик нуқталари яқинида флуктуацион ва структуравий ўзгаришлар ҳосил қилувчи ҳодисаларни ёруғликнинг изотроп ва анизотроп сочилиш спектроскопияси ёрдамида аниқлаш; моддаларнинг ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектрларидаги айланма тебранишлар частоталарини башорат қилишнинг истиқболли усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирда тажрибада суюқ моддаларнинг струкурасини ва фазовий ўтишларнинг ҳароратга боғлиқлигини ўрганиш физикавий масалаларнинг долзарб соҳасини ташкил қилади.

Суюқликларда ёруғликнинг сочилиш назарияси М.Леонтович, Л.И.Мандельштам, К.А. Валиев томонидан ишлаб чиқилган. С.М. Рытов, T. Keys, D. Kivelson томонидан ишлаб чиқилган молекуляр сочилишнинг релаксацион назариясига асосан бир ва икки қисмли корреляцияларнинг релаксация вақти фарқ қилади, лекин бирламчи ўзгарувчиларнинг релаксацион флуктуацияси ягона релаксация вақти билан характерланади ва ўз навбатида, сочилиш чизиғининг контури содда дисперсион кўринишда бўлади. Авторларнинг бундай хулосалари сочилишдан ва бошқа ҳодисалардан (ядро магнит резонанс каби) топиладиган анизотропия релаксацияси вақтлари ўртасидаги фарқни тушунтириш имконини беради.

Россия Фанлар академияси мухбир аъзоси И.Л.Фабелинский раҳбарлигида тоза суюқликларда ёруғлик молекуляр сочилиш спектрлари тажрибада ўрганилди. Бу тажрибаларда, молекуляр сочилиш спектри қанотининг узвий соҳаси М.Леонтович назарияси билан талқин қилинмаслиги аниқланди. Тажрибаларда аниқланган частотанинг 8-10 $см^{-1}$ интервалдаги контурнинг синиши иккита релаксациянинг вақти мавжуд, деган хулосани беради. Қовушқоқлиги кам бўлган суюқликларнинг релаксация вақтини ўлчаш орқали, анизотроплик флуктуациясининг релаксация вақти ва суюқликдаги броун сферик заррачаларининг релаксацияси вақти, яъни релаксациянинг дебай вақти билан мос келмаслиги аниқланди.

Ўзбекистонлик олимлар, хусусан академик А.К.Атаходжаев ходимлари билан (Ф.Тухватуллин, А.Жумабоев, У.Ташкенбаев, Ф.Ганиев ва б.) суюқ фазада молекуляр динамика тадқиқотларини олиб боришди. Турли тузилишдаги суюқликларда ноқутбланган сочилиш контурлари ўлчанган ва анизотропияликнинг релаксация вақти топилган. Релаксацион назарияга мувофиқ, рэлей чизиқларини кенгайишдан ва ёруғликнинг иккиламчи синишидан топилган айланма релаксация вақтининг қийматлари солиштирилади. Тадқиқотлар натижасида молекулалараро таъсирлашув ва молекуляр даражадаги механизмларнинг характерли релаксация вақтларининг ўзига хослиги аниқланди. Профессор Л.М.Собиров (СамДУ) раҳбарлиги остида суюқликнинг критик ва махсус нуқталари яқинида флуктуацион ва структуравий ўзгаришлар ҳосил қилувчи ҳодисаларни ёруғликнинг изотроп ва анизотроп сочилиш спектроскопияси ёрдамида тажрибавий аниқлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар натижасида бир қатор янги физикавий ҳодисалар топилган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида профессор, ф-м.ф.д. Ш.Отажонов раҳбарлигида молекуляр спектрларни молекулалараро таъсирлашувга боғлиқлигини ўрганиш бўйича кенг қамровли систематик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар бир томондан, суюқликларнинг спектроскопик хоссалари билан уларни ҳосил қилган молекулалар ўртасидаги умумий нисбатни ўрганиш, бошқа томондан – турли табиатли молекулалараро таъсирлашувнинг молекуляр спектрга миқдорий таъсирини ўрганиш билан боғлиқ. Бу тадқиқотлар натижасида тушунтирилиши керак бўлган бир қатор янги физикавий ҳодисалар топилди. Хусусан, юқори ҳароратларда суюқликларда ёруғликнинг молекуляр сочилишининг ноқутбланган компонентаси спектрининг торайиш эффекти, ёруғликнинг сочилиш интенсивлигига тушаётган ёруғлик ёруғликининг тўлқин узунлигига боғлиқлик қонунининг бузилиши, критик температурага яқин соҳаларда суюқлик молекулаларининг когерентлашиш ҳолатининг мавжудлиги кузатилди. Ёруғликнинг молекуляр сочилиш контурлари параметрларининг ҳароратга боғлиқлиги бўйича тажриба натижаларининг мутаносиблиги асосида суюқлик молекулаларининг иссиқлик ҳаракати модели таклиф этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот режаларининг №15-198 RG/PHYS/AS_I – FR3240287086 “Experimental study of relaxation processes in anisotropic liquids: Analysis of oscillation and orientation spectra” мавзуидаги Халқаро фанлар академиясининг (2015-2017), №16G14 “Study on molecular spectroscopy using lasers” мавзуидаги Япониянинг Матсумае халқаро фондининг (сентябрь – октябрь 2017 йил) халқаро илмий лойиҳалари ҳамда университетнинг “Оптик усулларда конденсирланган муҳитларнинг релаксацион жараёнларини ҳароратга боғлиқлиги” мавзуидаги тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади метил ва галоид бирикмалар киритилган ароматик углеводородларда структуравий ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг оптик усулларини ривожлантириш ҳамда молекулалараро таъсирлашувнинг нурланиш спектрида намоён бўладиган релаксацион жараёнларининг физикавий механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

температура ва частотанинг кенг интервалларида ёруғликнинг сочилиши бўйича тадқиқотлар ўтказиш имконини берадиган сезгирлиги юқори бўлган автоматлашган комплекс тажриба қурилмаларини яратиш;

хона температураси билан критик температура оралиғида турли симметрияга эга бўлган молекулалардан ташкил топган суюқликларда ёруғликнинг молекуляр ва комбинацион сочилиш спектрларини ўрганиш;

суюқлик молекулаларининг иссиқлик ҳаракатини тавсифлашда ёруғликнинг молекуляр ва комбинацион сочилиш контурининг ҳосил бўлишидаги турли механизмларни аниқлаш ва уларнинг улушини баҳолаш;

тебранма ва ориентацион релаксация жараёнларига метил ва галоид бирикмаларнинг таъсирини ўрганиш;

ёруғликнинг молекуляр ва комбинацион сочилиш спектрлари бўйича релаксацион жараёнларнинг параметрларини ҳисоблаш ҳамда айланма ва тебранма спектрларнинг кўп компонентли таҳлилининг услубий ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

молекулаларнинг оптимал конфигурацияларини ўрнатиш мақсадида структуравий, электрон тузилиши ва спектроскопик параметрлари бўйича квант-кимёвий ҳисоблашларни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида молекулаларнинг шакли ва қутбланиш хоссалари билан фарқланадиган, иссиқлик ва ёруғлик таъсирларига чидамли метил ва галоид бирикмалар киритилган ароматик углеводородлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети ўрганилаётган бирикмаларда температура таъсирида борадиган флуктуацион жараёнлар динамикаси ва уларни лазер нурланишининг спектрал таркибида намоён бўладиган молекулалараро таъсирлашув жараёнларидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида замонавий назарий ва амалий усуллардан фойдаланилди, жумладан, ёруғликнинг молекуляр сочилиш спектроскопияси, комбинацион сочилиш спектроскопияси, молекуланинг тормозланиб ҳаракатланиш модели, квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари, математик анализ учун амалий дастурлар пакетлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

углеводородлар ва уларнинг галоидалмашинган ҳосилаларида ёруғликнинг молекуляр (0-200 $см^{-1}$ соҳада) ва комбинацион (50-5000 $см^{-1}$) сочилиш спектрлари олинган;

конденсирланган муҳитлар физикасининг молекулалараро таъсирларини ва мураккаб молекулаларнинг турли фазовий ҳолатлардаги

физик-кимёвий хоссаларини очиб берувчи муҳим молекуляр параметрларни аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

илк бор суюқликларда нейтронларнинг сочилиши бўйича спектроскопик усулнинг модификацияси асосида ёруғликнинг молекуляр сочилиш интенсивлигини динамик ҳисоблашнинг назарий усули ишлаб чиқилган;

метил ва галоид бирикмалар киритилган ароматик углеводородларда ёруғлик молекуляр сочилиши ноқутбланган қисмининг "тор" ва "кенг" таркибий контурлардан иборат бўлиши аниқланган;

модданинг "анизотроп суюқлик – изотроп суюқлик" фазовий ўтиш температураси (критик температура) яқинида ёруғликнинг анизотроп сочилиш спектри кенглигининг торайиш динамикаси Френкель назариясига мос эмаслиги исботланган;

галоидалмашинган бензолларда потенциал чуқурликларнинг қийматларини яримэмпирик ёндашув орқали ҳисоблашнинг усуллари ишлаб чиқилиб, молекулалараро таъсирлашувни инобатга олган квант-кимёвий ҳисоблашлар асосида спектрал-структуравий корреляциялар аниқланган;

молекулалар қайта ориентацияланишининг потенциал чуқурлиги температурага боғлиқлиги ва алоҳида атомлар гуруҳининг айланма тебранишлари ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектрлари қуйи частоталарида намоён бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ёруғликнинг молекуляр сочилиши ноқутбланган компонентаси контурини молекулаларнинг эркинлик даражасига мос ҳолда лоренциан ва ҳар хил даражали экспоненциал функция кўринишидаги қисмларга ажратиш ҳамда унинг параметрларини (релаксация вақти, анизотропия даражаси, интеграл интенсивлик, контурларнинг оғирлиги ва б.) ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

суюқликларда ёруғликнинг молекуляр сочилиш интенсивлигини динамик ҳисоблашнинг нейтронлар спектроскопияга асосланган назарий усули ишлаб чиқилган;

ёруғликнинг молекуляр сочилиши ноқутбланган компонентаси интеграл интенсивлигини температурага номонотон боғлиқлигининг ўзгариши аниқланган;

юқори температура ва босимга бардошли кюветалар ишлаб чиқилган ва улар суюқликларнинг критик структуравий – беқарор ҳолатлари яқинида физикавий қонуниятларни аниқлашга хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалий натижалар тадқиқ қилишнинг замонавий усулларидан фойдаланганлиги билан асосланади, жумладан, лазер раман спектроскопия, конфокаль микроскопия, квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари, математик анализ ва статистиканинг амалий дастурлар пакетлари.

Тадқиқот иши бўйича хулосалар молекулалараро таъсирлашув динамикаси ва спектроскопияси, ёруғликнинг молекуляр ва комбинацион

сочилишининг замонавий назарияларидан фойдаланиб топилган ва квант-кимёвий моделлаштириш ёрдамида аниқланган натижаларга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёруғликнинг молекуляр ва комбинацион сочилиш спектрлари орқали олинган натижалар кўпатомли молекулалардан ташкил топган суюқликлардаги молекулалараро таъсирлашувлар, релаксацион жараёнлар, шунингдек, молекулаларнинг қайта ориентацияланиш потенциал тўсиғининг температуравий ўзгаришлари ҳамда эритмалардаги энергиянинг резонанс алмашиниш механизмлари ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради ва модданинг суюқ ҳолати молекуляр назариясини ривожлантириш ҳамда улардаги яқин тартибликнинг қайта тақсимланиши билан боғлиқ структуравий ўзгаришларни назарий таҳлил қилиш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, углеводордлардаги тебранма ва ориентацион релаксация жараёнларига метил ва галоид бирикмалари таъсирини аниқлаш молекулаларнинг иссиқлик ҳаракатини ва физик-кимёвий кинетикасининг механизмларини конкретлаштиришда, суюқликларнинг яқин тартиблилигини қайта тақсимланиши билан боғлиқ бўлган структуравий ўзгаришларни ифодалайдиган мукаммал назария яратишда ҳамда қайта мослашувчан суюқлик лазерларининг фаол муҳитлари учун назорат қилинадиган хоссаларга эга материаллар олишнинг асосланган технологияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Конденсирланган муҳитлардаги молекулалараро таъсирлашув спектроскопияси ва релаксацион жараёнлар кинетикасини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

ёруғликнинг молекуляр сочилиши ноқутбланган компонентаси контурини молекулаларнинг эркинлик даражасига мос холда таркибий қисмларга ажратиш усуллари 14-022 RG/MATHS/AS_G – UNESCO FR: 324028610 рақамли «Nonlinear evolution equations and transport on metric graphs arising from mesoscopic physics» Халқаро фанлар академиясининг халқаро грантида тармоқланган соҳаларда сочилган тўлқинларнинг улушини аниқлашда фойдаланилган (Фан ва технология агентлигининг 2017 йил 26 декабрдаги ФТА-02-11/1358-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш содда тармоқланган системаларда дисперсион жараёнларни соддалаштириш имконини берган;

ёруғликнинг молекуляр ва комбинацион сочилиши бўйича тўпланган катта миқдордаги маълумотлар Бенгкулу университетида сувни, машина мойларини тозалашда, озиқ-овқат рафинировкасида ва минералларни идентификациялашда қўлланилган (Индонезиянинг Бенгкулу университети 2018 йил 12 июндаги 196104011986031001-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш турли хилдаги суюқликлар ва суюқ фазалардаги аралашмаларни аниқлашнинг самарасини ошириш имкониятини яратган;

ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектрлари, фарқли ёндашувлар асосида ёруғликнинг турли молекуляр параметрларини ҳисоблашнинг квант-кимёвий усули А-7-23-рақамли "Маҳаллий сорбентлар ёрдамида мис ионларини оқова сувларидан ажратиб олиш технологияси" лойиҳасида оқава сувлар таркибида углеводородлар ва уларнинг галоидалмашинган бирикмалари мавжудлигини ҳамда ионалмашинувчи материаллар таркибидаги фунционал гуруҳларга технологик эритмалардаги мис ионларининг кимёвий боғлар оқали бирикиш эҳтимоллигини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 31 июлдаги 89-03-2779-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш оқава сувлар таркибидаги бирикма ва мис ионларини аниқлашнинг самарадорлигини оширган ва ионитларга мис ионларининг бирикишини олдиндан аниқлаш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларнинг асосий натижалари 24 та, шу жумладан, 13 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан 10 таси хорижий, 8 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертация ҳажми 254 бет матн, 52 та расм ва 15 та жадвалдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаснинг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар, диссертация мавзуси бўйича мамлакатимизда ва хорижда амалга оширилган илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **"Ёруғликнинг молекуляр ва комбинацион сочилиши спектрал таркибининг назарий ва амалий тадқиқ қилиш ҳолати"** номли бўлимида оптик тоза суюқликларда ва эритмаларда ёруғликнинг молекуляр ва комбинацион сочилиш спектрларининг назарий ва амалий тадқиқотлари натижаларга доир адабиётлар шарҳи келтирилган. Ёруғликнинг молекуляр сочилиши ноқутбланган компонентаси спектрининг суюқлик ҳолатига боғлиқ ҳолда

ўзгариши ва молекулалараро таъсирлашув спектрларининг суюқлик параметрларини ўрганиш учун қўлланилиш масалалари кўриб чиқилган. Флуктуацион ҳодисалар ва асоси углерод бўлган молекулаларнинг структуравий ўзгариши натижасида ёруғликнинг сочилиши спектрал таркибини ва интенсивлигини ўрганиш масалалари, суюқликларда ёруғликнинг молекуляр сочилиши ноқутбланган компонентаси спектрининг юқори частотали соҳасининг шаклланиш механизмлари бўйича адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлил қилинган. Ички ва молекулалараро таъсирлашувларнинг қўшган улушини конденсирланган фазада моддаларни ўрганиш учун ёруғликнинг комбинацион сочилиши спектроскопиясидан фойдаланиб ўрганишга бағишланган ишлар таҳлил қилинган.

"Суюқликларда ёруғликнинг молекуляр ва комбинацион сочилишини ўлчашнинг техникаси ва методикаси" номли иккинчи бобда частотанинг кенг интервалида ва юқори температураларда суюқликларда ёруғликнинг молекуляр ва комбинацион сочилишини ўрганиш бўйича спектрларни қайд этиш усули ва тажриба техникаси баён этилган. Тадқиқот объектларини танлашда, бир томондан, уларнинг тузилиши ўхшашлигига (асоси – бензол халқаси), бошқа томондан – молекулалар шакли ва алмашиниш характерини фарқлари асосий меъзон сифатида олинган. Ўрганилган суюқликларнинг оптик тоза намуналарини тайёрлаш методикаси келтирилган. Ўлчашлар ёруғликнинг молекуляр сочилишини қутбсизланган компонентаси спектрларини қайд этиш учун ДФС-4, ДФС-12 асбобларида ва суюқликлардаги ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектрлари учун конфокал микроскопия усули асосида ишлайдиган STR250 лазер раман спектрометрида олиб борилди.

"Молекулаларнинг айланма ва тебранма релаксациялари параметрларини қайта ишлаш ва ҳисоблаш методикаси" мавзудаги учинчи бобда ёруғлик молекуляр сочилишининг ноқутбланган компонентаси спектрларини ва молекулаларнинг айланма релаксация ҳаракати параметрларини қайта ишлаш усуллари келтирилган. Натижаларни кетма-кет яқинлашиш усулида ечиш алгоритми ва тажриба контурини иккита лоренц ташкил этувчиларига ажратиш тартиби келтирилган. Спектрнинг Лоренц функциясига мос келмайдиган узоқдаги соҳалари экспоненциал функциялар ёрдамида қайта ишланди. Барча олинган маълумотлар компьютерга киритилди ва яна бир бор MATLAB дастурида ҳисобланди.

Молекулаларнинг структуралари, электрон тузилиши ва спектроскопик параметрларининг квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари келтирилди ва олинган натижаларни тажриба билан солиштириш мақсадида GAUSSIAN ва ORCA квант-кимёвий дастурларга маълумотларни киритиш ва чиқариш тўғрисида қисқача маълумотлар кетма-кетлиги берилди.

Суюқликларда нейтронларнинг сочилиши бўйича спектроскопик усулнинг модификацияси асосида ёруғликнинг молекуляр сочилиш интенсивлигининг динамик ҳисоблашнинг амалий ва назарий усуллари таклиф этилди.

V ҳажмда N молекулалардан ташкил топган суюқликни кўриб чиқамиз, унда $\mathbf{R_i}(0)(\mathrm{i}=1,2,\ldots,N)$ заррачаларни вақтнинг бошланғич пайтидаги жойлашган ўрнини, $\mathbf{R_i}(t)$ эса бошқа пайтдаги жойлашган ўрнини билдиради. Гиббс ансамбли бўйича ўртача қийматларни ҳам киритамиз:

$$G_1(\mathbf{r},t|\mathbf{r_0},0)=\frac{1}{N}\langle\sum_{1\le i\le N}\delta(\mathbf{r}-\mathbf{r_0}-\mathbf{R_i}(t)+\mathbf{R_i}(0))\rangle \quad (1)$$

$$G_2(\mathbf{r},t|\mathbf{r_0'},0)=\frac{2V}{N(N-1)}\langle\sum_{1\le i<k\le N}\delta(\mathbf{r}-\mathbf{r_0'}-\mathbf{R_i}(t)+\mathbf{R_k}(0))\rangle \quad (2)$$

Бунда қавс $\langle\ldots\rangle$ белгиси гиббс ансамбли бўйича ўртача қийматни системанинг бошланғич ҳолатига $(t=0)$ нисбатан олинганлигини билдиради. Суюқликларнинг изотроплиги туфайли қуйидагиларга эга бўламиз:

$$G_1(\mathbf{r},t|\mathbf{r_0},0)=G_1(|\mathbf{r}-\mathbf{r_0}|,t),G_2(\mathbf{r},t|\mathbf{r_0'},0)=G_2(|\mathbf{r}-\mathbf{r_0'}|,t) \quad (3)$$

$G_1(\mathbf{r},\mathbf{t})$ функциялари битта заррачанинг ўртача трансляцион ҳаракатини тасвирлайди. Таъкидлаш лозимки, $G(|r|,t)$ функция аниқ ҳисоблаб топилмаслиги туфайли, суюқликлар учун сочилган ёруғликнинг спектрини назарий ҳисоблашнинг якуний ифодасини топиш имкони мавжуд эмас. Бироқ баъзи бир соддалаштиришлар сийраклашган газлар учун қўлланилиши мумкин. Агар заррачаларнинг тўқнашувини инобатга олмасак, у ҳолда G_2 ва G_1 учун молекулалар тезлигига максвелл тақсимотидан қуйидагиларни оламиз:

$$G_1(|\mathbf{r}|,t)=\left(\frac{m}{2\pi k_BTt^2}\right)^{1/2}\exp\left\{-\frac{m|\mathbf{r}|^2}{2k_BTt^2}\right\} \quad (4)$$

бунда k_B – Больцман доимийси ва T - ҳарорат. Бу ифодани интенсивлик учун қўллаб, қуйидаги ифодани келтириб чиқарамиз:

$$I'_{\text{газ}}(\mathbf{R},\omega)=\frac{\alpha^2\omega^4N}{\pi c^4R^2}I_0\sin^2\gamma\left(\frac{\pi m}{2k_BT}\right)^{1/2}\frac{1}{\varkappa}\exp\left\{-\frac{m(\omega-\omega_0)^2}{2k_BT\varkappa^2}\right\} \quad (5)$$

Интенсивлик учун берилган ифодадан тескари фурье – алмаштиришлари ёрдамида қуйидагиларни келтириб чиқариш мумкин:

$$G(|\mathbf{r}|,t)-1=\frac{c^4}{(2\pi)^2\alpha^2}\int d\varkappa\int_{-\infty}^{\infty}d\Omega\,e^{-i(\Omega t-\varkappa r)}S(\varkappa,\omega) \quad (6)$$


Агар ифода $\varkappa$ йўналишлар бўйича интегралланса, у холда

$$r\,G(|\mathbf{r}|,t)-1=\frac{2c^4}{(2\pi)^2\alpha^2}\int_0^{\infty}\varkappa d\varkappa\sin\varkappa r\int_{-\infty}^{\infty}d\Omega\,e^{-i\Omega t}S(\varkappa,\Omega). \quad (7)$$

Бу ифода ёруғликнинг молекуляр сочилиш интенсивлигини амалий ҳисоблашлар учун бевосита қўлланилиши мумкин.

Тўртинчи бобда "Ароматик углеводородларда ёруғликнинг ноқутбланган сочилиши спектрининг амалий тадқиқоти натижалари" келтирилган ва шулар асосида бензол ва унинг ҳосилалари, тўрт хлоридли углерод молекулалари ориентацион ҳаракатининг характери таҳлил қилинади. Бензолнинг турли температуралардаги ёруғлик молекуляр

сочилишининг ноқутбланган компонентаси контури спектрал зичлиги, яъни $1/\Im$ (бунда $\Im$ - интенсивлик)ни частотанинг квадратига боғлиқлик графиги 1 – расмда келтирилган.



1-расм. Ёруғлик молекуляр сочилишининг ноқутбланган компонентаси контури спектрал зичлигининг частота квадратига температуравий боғлиқлик графиги: а) 293 *K*; б) 423 *K*; в) 553 *K*.

Графикдан кўринадики, хона температурасида ёруғлик молекуляр сочилишининг ноқутбланган компонентаси $1/\Im\sim\nu^2$ координата ўқларида частотанинг 0~60 см$^{-1}$ интервалида иккита тўғри чизиқдан ("а") иборат. Бу бензолда ёруғлик молекуляр сочилишининг ноқутбланган компонентаси контури 0~60 см$^{-1}$ частоталар интервалида иккита лоренц контурларининг суперпозициядан ташкил топишини билдиради. Суюқлик температураси кўтарилган сайин контур мураккаблиги сақланиб қолади, лекин эгилиш нуқтаси қуйи частотали ("б" эгри чизиқ) соҳага томон силжийди ва температуранинг 553 *K* қийматида ингичка контур оғирлиги жуда кичик бўлиб қолади. Критик нуқтада ёруғлик молекуляр сочилишининг ноқутбланган компонентаси контурнинг мураккаблиги йўқолади.

Тажриба контурининг иккита лоренц чизиқлари орқали ифодалаш натижасида 0-60 см$^{-1}$ частоталар интервалида аниқланган анилин ва толуол учун контурларнинг параметрлари 1 – жадвалда келтирилган, бунда , σ_1, σ_2 – контурларнинг мос равишда "ингичка" ва "кенг" яримкенгликлари. α_2 - (α_1=α_2-1), контурнинг "кенг" ташкил этувчи қисм салмоғи, I- контурнинг интеграл интенсивлиги.

Барча ўрганилган моддалар учун хона ҳароратида 0~50-60 см$^{-1}$ частота интервалида кузатиладиган контур иккита – "ингичка" ва "кенг" дисперсион контурларнинг суперпозициясини намоён қилади.

1 – жадвал.

T, K	σ_1 ($см^{-1}$)	σ_2 ($см^{-1}$)	α_2	I(*нис.бир.*)
$C_6H_5NH_2$				
293	0.80	13.0	0.33	34900
373	2.50	13.0	0.40	73500
423	3.40	12.50	0.45	148500
473	3.10	11.80	0.56	157000
523	3.90	12.00	0.62	129400
573	2.50	11.00	0.68	131000
623	1.40	10.00	0.69	121000
$C_6H_5(CH_3)$				
293	1.20	10.00	0.33	8000
373	2.00	11.00	0.37	8500
423	2.60	12.50	0.40	8800
473	4.60	12.40	0.46	9000
523	4.60	12.40	0.49	9300
573	3.60	11.00	0.52	8900
623	1.20	10.50	0.56	7800
	±0.1	±1.5	±0.02	5-7%

Бу тасаввурлар суюқлик молекулаларининг тормозланиб айланиш модели нуқтаи назаридан тушунтирилади.

Молекулаларнинг тормозланиб айланиш модели асосида молекула инерция моментининг учта бош ўқларига нисбатан айланма ҳаракатлари ўзаро боғлиқ эмаслиги тўғрисидаги тахмин ётади. Молекула шаклининг турлилиги ва ички майдоннинг анизотропияси туфайли тормозланиш мавжудлиги сабабли инерциянинг алоҳида турли ўқлари бўйича айланма ҳаракат турлича бўлади. Кучли тормозланиш вақтидаги айланма ҳаракатни бир квазибарқарор ҳолатдан бошқасига сакраб бурилиши сифатида қараш мумкин.

Агар суюқликда яқин тартиблилик мавжуд бўлса, ҳар бир бош ўқ бўйича бурилиш учун ўртача анизотропия майдони тўғри келади. Бу айланма ҳаракатнинг ҳар бир ўқига мос, қийматлари бир-биридан катта фарқ қиладиган релаксация вақтлари мавжудлигига олиб келади. Молекуланинг учта ўқ бўйлаб мустақил айланиши анизотроп сочилиш спектрида "1/τ" катталик билан аниқланадиган яримкенгликка Δν эга учта дисперсион чизиқларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бунда τ- анизотропиянинг тегишли ўққа нисбатан релаксацияси вақти. Муҳитнинг газ ҳолатидаги анизотроп сочилиш интенсивлиги қутбланувчанликнинг анизотропияси билан аниқланади. Хусусан, ҳар бир контурнинг нисбий улуши ёки умумий ҳолда "α_i" – салмоғи сочилиш контури билан боғлиқ айланиш ўқига перпендикуляр текисликдаги молекуланинг анизотропиясига пропорционал бўлиши лозим. Агар қутбланувчанлик ва инерция ўқлари ўзаро мос келса, у ҳолда


$$\alpha_i = \frac{(a_j - a_k)^2}{(a_i - a_j)^2 + (a_j - a_k)^2 + (a_k - a_i)^2} \qquad (8)$$

(a_i- молекуланинг қутбланувчанлик тензорининг бош қийматлари).

Ўқлар танлови 2 – расмда кўрсатилган.

Молекулаларнинг тормозланиб айланиш моделидан аниқ натижалар келиб чиқади:

1. Анизотроп сочилиш контурининг чизиғи асимметрик молекулалар учун учта дисперсион контурларнинг йиғиндисидан, қутбланувчанлиги бўйича симметрик молекулалар учун – иккита дисперсион контурларнинг йиғиндисидан ташкил топади.



2-расм.

2. Ташкил этувчи контурларнинг "α_i" салмоғини баҳолаш имконияти пайдо бўлади, чунки тадқиқотда ўрганилган барча молекулаларнинг эркин ҳолати (газ ҳолати) учун қутбланувчанлик қийматлари маълум.

Флуктуацион анизотропиянинг пайдо бўлишини қатъий ўрнатилган тартибда кўриб чиқадиган бўлсак, молекуланинг вибрацион ҳаракатидан келадиган улушни инобатга олиш зарур бўлади. Хусусан, вибрацион ҳаракат билан боғлиқ бўлган флуктуациялар кенг контурда ўзининг салмоғини намоён этиши керак.

Анизотроп молекулалар учун вибрацион механизмнинг салмоғини газ ҳолатидаги қийматлар $\alpha^1_{газ}$, $\alpha^2_{газ}$ ва "t" температурада тажриба орқали топилган α_1 ва α_2 ёрдамида тақрибан ҳисоблаш мумкин. Вибрацион механизм фақат кенг контурга таъсир этишини инобатга олиб, айланма ва вибрацион ҳаракатнинг салмоқларини қуйидаги ифодалардан фойдаланиб топишимиз мумкин:

$$\alpha_{вибр} = \frac{\gamma}{1+\gamma};\ \alpha_{вращ} = \frac{1}{1+\gamma},\quad \text{бунда}\quad \gamma = \frac{1}{\alpha_2^{газ}}\left(\frac{\alpha_1^{газ}}{\alpha_1^{э}} - 1\right). \qquad (9)$$

2 – жадвалда бензол, бромбензол, м-ксилол ва анилинда бир қатор температураларда ҳисоблаб топилган қийматлар $\alpha_{теб}$ ва $\alpha_{айл}$ келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, температура ортиб бориши билан вибрацион механизмнинг $\alpha_{виб}$ салмоғи бензол, анилин учун сезиларли даражада ортади.

Температуранинг ортиши ва критик температурага яқинлашиш билан, анизотроп молекулалардан ташкил топган суюқликлардаги ёруғлик молекуляр сочилишининг ноқутбланган компонентасининг контури 0-60 $см^{-1}$ спектрал интервалда вибрацион механизм билан боғланган битта дисперсион соҳада намоён бўлади, деб тахмин қилиш мумкин.

Бу фикрни бензол суюқлигида T=553 *K* да (бензол учун критик ҳарорат T=562,5 *K*) ўтказилган ёруғлик молекуляр сочилишининг ноқутбланган компонентасининг температурага боғлиқ тажриба натижалари ҳам тасдиқлайди. Бу тажриба натижалари – критик ҳолат яқинида суюқлик молекулаларининг иссиқлик ҳаракати ўзгаришининг исботдир.

2- жадвал.

Бензол							
T, *K*	$\alpha^2_{газ}$	$\alpha^1_{газ}$	$\alpha^2_{экс}$	$\alpha^1_{экс}$	γ	$\alpha_{теб}$	$\alpha_{айл}$
423	0,5	0,5	0,56	0,44	0,27	0,21	0,79
473	0,5	0,5	0,63	0,37	0,70	0,41	0,59
523	0,5	0,5	0,71	0,29	1,45	0,59	0,41
533	0,5	0,5	0,71	0,29	1,45	0,59	0,41
543	0,5	0,5	0,72	0,28	1,57	0,61	0,39
553	0,5	0,5	0,73	0,27	1,70	0,63	0,37
Бромбензол							
523	0,33	0,62	0,41	0,59	0,15	0,13	0,87
574	0,33	0,62	0,5	0,5	0,73	0,42	0,58
625	0,33	0,62	0,58	0,42	1,44	0,59	0,41
м-ксилол							
573	0,38	0,59	0,47	0,53	0,30	0,23	0,77
593	0,38	0,59	0,51	0,49	0,54	0,35	0,65
603	0,38	0,59	0,53	0,47	0,67	0,40	0,60
613	0,38	0,59	0,55	0,45	0,82	0,45	0,55
Анилин							
423	0,41	0,58	0,43	0,57	0,04	0,04	0,96
473	0,41	0,58	0,45	0,55	0,13	0,12	0,88
523	0,41	0,58	0,49	0,51	0,33	0,25	0,75
573	0,41	0,58	0,54	0,46	0,64	0,39	0,61
623	0,41	0,58	0,6	0,4	1,10	0,52	0,48

Молекулаларнинг айланма эркинлик даражаси “музлайди” ва фақат вибрацион, аниқроғи молекулаларнинг кооператив ҳаракати билан боғлиқ вибрацион ҳаракатлар уларнинг ўрнини эгаллайди.

Тажрибадан олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, контурнинг марказдан узоқ қисмларида, яъни ν~60 $см^{-1}$ дан бошлаб бензол ва унинг ҳосилалари учун экспонентанинг сўнувчи $P=2$ даражада қиймати энг яхши мос келади, яъни интенсивликни қанотлардаги сўниши гаусс функцияси бўйича содир бўлади. Суюқликларда ёруғликнинг сочилиш қанотининг марказдан узоқ соҳаларини пайдо бўлиш механизмларини тушунтиришда флуктуация назариясидан фойдаланамиз.

Флуктуациянинг бир потенциал майдондан бошқасига ўтиши шу флуктуация мавжуд конфигурациянинг ўзгариши туфайли содир бўлади, яъни структурада яқин тартиблилик ўзгаради. Бу жараённи ўзига хос иккинчи турдаги фазовий ўтиш деб қараш мумкин. Иккинчи турдаги фазовий ўтишлар вақтида эркин энергия ўзгармайди, балки энтропия ўзгаради, яъни тақсимланиш функцияси ўзгаради.

Бошқача айтганда, флуктуациянинг бир ҳолатдан бошқасига ўтиши когерент ҳолатда, яъни фазоланган ҳолатда содир бўлади, кейинчалик алоҳида молекулалар фазалари текис тақсимланади, бу диффузия жараёни ҳисобига эришилади. Ҳақиқатан, суюқликдаги молекула жойлашган майдон, яъни вақт функцияси E(t). $\Delta E/E<<1$ бўлгани учун бу майдоннинг флуктуацияси, ориентация флуктуацияларига олиб келмайди, фақат молекулаларни аста тебратиши мумкин. Бу алоҳида молекулалар фазасини Θ ансамблдаги флуктуациясига олиб келади. Бундан тақсимланиш функцияси $f(\Theta,t)$ учун Фоккер-Планк тенгламаси келиб чиқади, у t вақтда Θ қийматнинг амалга ошиш эҳтимоллигини аниқлаб беради:

$$\frac{\partial f}{\partial t} = K\frac{\partial}{\partial \dot{\Theta}}[\dot{\Theta}] + D\frac{\partial^2 f}{\partial \dot{\Theta}^2} \qquad (10)$$

Бунда *K* - сўниш тезлиги, *D* – тасодифий кучнинг қуввати ўлчови.

$\kappa t<<1$ ҳолат учун бу тенгламани Фурье ўзгартиришлари ёрдамида олинган ечими гаусс шаклини олади:

$$\Phi(\omega) = \exp[-\frac{\omega^2}{2D}] \qquad (11)$$

Бундай вазиятларда ~10^6 молекулалардан иборат когерент ансамбль ҳосил бўлиши тўғрисида гапириш мумкин.

Флуктуация – бу эҳтимоллиги катта бўлган ҳолатдан кичик бўлган ҳолатга ўтишдир, яъни флуктуация – бу мувозанатсиз ҳолат, мувозанатсиз ҳолат эса тартиблиликни келтириб чиқаради. Флуктуация когерент заррачалардан пайдо бўлади, кейинчалик диффузия жараёни ҳисобига фазалар қайта текис тақсимланади.


Диссертациянинг бешинчи **“Ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектрини экспериментал тадқиқ қилиш натижалари”** номли боби ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектроскопияси яратадиган молекуляр структура ва молекулалар ҳаракатини таҳлил қилишнинг кенг имкониятларини кўрсатиб беради.

Ўрганилган тоза суюқликлар учун ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектрининг умумий кўриниши спектрнинг маркази 1000 $см^{-1}$ соҳаси учун 3 – расмда келтирилган.

Тажриба маълумотларига кўра, ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектрларининг тоза бромбензол учун $C-Br$, толуол, орта-, мета- ва параксилоллар учун $C-H$, диоксан, этанол учун $C-O$ тебраниш полосалари мураккаб тузилишга эга[3].

Энг катта интенсивликка эга бўлган полоса 3077 $см^{-1}$ бўлиб, унинг фонида интенсивлиги катта бўлмаган 3142 $см^{-1}$ чизиқ ётади. Бу барча чизиқлар битта тебранишга $C=H$ тегишли эканлигини кўрсатади.

[3] Тажрибалар Токай университетининг (Япония) илмий лабораториясида 2016 йилнинг сентябрь – декабрь ойларидаги стажировка даврида муаллиф томонидан амалга оширилган ва бунинг учун университет раҳбариятига чукур миннатдорчилик билдирамиз.



3-расм. Ўрганилган тоза суюқликларда ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектрининг 50-1600 см$^{-1}$ соҳа учун умумий кўриниши.

Умумий структуравий белгиларга эга бўлган бирикмаларнинг спектрлари солиштирилганда, қатор ҳолатларда битта молекуладан бошқа молекулага ўтганда частоталар билан бирга чизиқларнинг бошқа параметрлари – интенсивлик, кенглиги ва ноқутбланиш даражаси ўз қийматини сақлаб қолади. Натижаларга кўра, молекулалар тузилишидаги ҳар қандай структуравий тармоқланишлар уларнинг спектрларида характеристик чизиқларни пайдо бўлишига олиб келавермайди. Фақат атомлар ёки боғларнинг баъзи бир махсус гуруҳлари ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектрларларида характеристик чизиқларга эга бўлади.

Метилалмашинган ксилолларнинг қуйи частотали спектрларида кўп сонли чизиқлар аниқланди. Структура формуласига хос, метил CH_3 гуруҳининг айланма тебранишларидан ташқари (мета-ксилол учун 205 см$^{-1}$, 226 см$^{-1}$, 276 см$^{-1}$; орто-ксилол учун 179 см$^{-1}$, пара-ксилол учун 255 см$^{-1}$, 436 см$^{-1}$; 310 см$^{-1}$, 384 см$^{-1}$, 457см$^{-1}$) спектрларда деформацион тебраниш спектрлари ҳам кузатилиши мумкин. Ксилоллар модификациясининг ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектрларининг қуйи частоталари жуда бой чизиқларга эга бўлганлиги сабабли айланма тебранишларга мос чизиқларни аниқлаш қийин. Бу, айланма тебранишлар билан бирга деформацион тебранишлар кузатилишини билдиради. Агар оғир гуруҳлар бириктирилган молекулалар учун, одатда айланма тебранишларнинг чизиқларига спектрнинг энг қуйи частотали соҳасида ётадиган чизиқлар мос келса, метил гуруҳларининг айланма тебранишларига тегишли чизиқлар кенг спектрал, рэлей чизиғи қанотидан бошлаб 500 см$^{-1}$ гача соҳада ётиши кузатилади. Бунга сабаб метил гуруҳининг инерция моменти катта эмаслигидир.

Мураккаб молекулаларнинг потенциал тўсиқларини ҳисоблаш учун квант-кимёвий ҳисоблашлар ёрдамида такомиллаштирилган ярим эмпирик усулдан фойдаланилди. Ксилол модификацияларида кимёвий боғланмаган атомларнинг $H\cdots H$ ва $C\cdots H$ кўринишидаги икки типдаги таъсирлашувлари мавжуд бўлиб, уларни ҳисоблашлар бу усуллардан фойдаланилди. Ўрганилган молекулаларнинг учун аниқ структуравий маълумотлари (боғ узунлиги ва бурчаклар) квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари ёрдамида аниқланган.

Ҳисоблашлар кўрсатишича, пара, орто, мета-ксилол молекулалари учун водород атомлари ўртасидаги итарилиш функцияси қуйидаги кўринишга эга эканлиги аниқланди:

$$U = 950{,}5\exp(-1{,}98r) - 1995\exp(-3{,}76r) \qquad (12)$$

Бошқа атомларнинг таъсирини инобатга олмаганда ушбу ифода тажриба натижалари мос келади ва бунда r - водород атомлари ўртасидаги ангестремларда келтирилган масофадир. Ўрганилган моддаларнинг частота қийматлари бўйича потенциал тўсиқларини ҳисоблаш ва тажрибадан олинган натижалари 3 – жадвалда келтирилган.

3 – жадвал.

Модда	*U, кал/моль (ҳисоб)*	*ν, см$^{-1}$*	
		ҳисоблаш	*тажриба*
Пара-ксилол	4000	291	310
Орто-ксилол	4000	163	179
Мета-ксилол	4000	212	205

Таъкидлаш жоизки, частотанинг қийматлари потенциал тўсиқларнинг қийматларини ўзгаришига нисбатан сезгирлиги жуда камдир. Буни U нинг катта қийматларидаги потенциал тўсиқ баландлиги ва айланма тебранишлар частотаси ν ўртасидаги боғлиқликдан ҳам кўриш мумкин. Бу ҳолатда потенциал тўсиқ U баландлиги билан айланма тебранишлар частотаси ν ўртасидаги боғлиқлик оддий кўринишга эга бўлади:

$$\nu = \frac{}{2\pi c}\sqrt{\frac{U}{2}} \qquad (13)$$


Юқоридаги формулалардан кўриниб турибдики, ҳисоблашлар учун айланма тебранишлар учун келтирилган инерция моментини $I_{\text{пр}}$ билиш керак бўлади. Молекуланинг симметрик пирилдоқ кўринишидаги айланма гуруҳи мавжуд бўлганда, инерция моменти учун келтирилган ифода қуйидаги кўринишда бўлади:

$$I_{\text{пр}} = \Im_{\varphi}\left(1 - I_{\varphi}\sum_i \frac{K_i^2}{I_i}\right), \qquad (14)$$

Бунда i– 1,2,3; I_i – бутун молекуланинг инерция моментлари; K_i - пирилдоқ ўқи билан инерциянинг бош ўқларини ҳосил қилган бурчакларнинг йўналтирувчи косинуслари; I_{φ} - айланиш ўқига нисбатан пирилдоқ инерциясининг моменти.

3 – жадвалдан кўриниб турибдики, частоталарнинг ҳисоблаб топилган ва тажрибада олинган қийматлар ўзаро мослиги қониқарлидир. Мета-ксилолда айланма тебранишларга 205 ёки 226 $см^{-1}$ частотаси мос келиши мумкин, чунки частоталарнинг ҳисоблаб топилган қийматлари 212 $см^{-1}$га тенг. Пара-ксилол, орто-ксилол ва мета-ксилол учун тўсиқларни ҳисоблашда бир хил қийматлари олинади, чунки метил гуруҳлар бир биридан узоқда жойлашган, уларнинг атомлари ўзаро таъсирлашмайди. Айланма тебранишларнинг бу моддалар учун топилган частоталари тахминан битта соҳада ётиши керак.

